

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.



Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди, амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Сўхбат аввалида Бош вазир Қоҳир Расулзода давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик олий даражада эришилган

келишувларга мувофиқ жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Узаро савдо ва юк ташиш ҳажми ортмоқда, муваффақиятли кооперация лойиҳалари кўпаймоқда. Яқин ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашинулар фаол амалга оширилмоқда.

Товар айирбошлашни ошириш бўйича самарали чоралар кўриш, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт, кончилик, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда Ўзбекистон —

Тожикистон инвестиция компанияси маблағларини жалб қилган ҳолда истиқболли лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, Тошкент шаҳрида икки мамлакат бош вазирлари раислигида ўтказилган қўшма Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши қарорларини амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ОДАМЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, УЛАР ИСТАГИНИ МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ МАСАЛАДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни аҳолининг турмуш шароитлари, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Самарқанд дарвоза маҳалласида барпо этилган касбга йўналтириш марказида бўлди. Бу ерда ёшлар ва аёлларга савдо, маркетинг, молия, ахборот технологиялари соҳаларидаги замонавий касблар ўргатилади. Кейинчалик уларнинг юқори даромадли иш топишига ҳам кўмаклашилади. Марказ атрофи ободонлаштирилган, иш-комплар ўрнатилиб, тоқлар экилган.

Шу ерда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тақдимот қилинди. 10 май куни ушбу масала бўйича ўтказилган йиғилишда салоҳиятли тадбиркорларни янги иш ўринлари яратишга рағбатлантириш таклифи билдирилган эди.

Масалан, Шайхонтоҳур туманида 51 та маҳалла бор. Салоҳиятли юқори тадбиркорлар 100 дан зиёд. Шартнома асосида уларга маҳаллалардаги ишсизлар бириктирилмоқда. Унга кўра, давлат шароит яратди, тадбиркорлар аҳолини касбга ўқитиб, иш билан таъминлайди.

— Бу икки томонлама манфаатли, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ҳозир кўп тадбиркорлар фаолиятини кенгайтироқчи, ҳаммага малакали ишчи керак. Мақсадимиз — корхоналар амалий мономарказга айланиб, соҳага мутахассис тайёрласин. Бунинг учун давлат инфратузилма, молия, солиқ бўйича енгилликлар беради. Иш ўринлари кўпайгани, аҳолининг харид қобилияти ошгани ҳисобидан бу пул пировардида иқтисодиётга қайтиб тушади. Энг муҳими, бу амалиёт ёшлар учун фақат иш ўрганиш эмас, ҳаёт мактаби бўлади.

Тақдимотда Шайхонтоҳурнинг туризм салоҳиятини ишга солиш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Пойтахт туманлари ҳокимлари Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар тажрибасини ўрганиши зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу марказдаги спорт соғломлаштириш мажмуасини ҳам кириб кўрди. Унда ёпиқ сув ҳавзаси ва спорт зали мавжуд.

Бу ерда спортнинг саккиз тури бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимиз спорт залида машғулотларда қатнашаётган ёшлар билан мулоқот қилди.

— Спорт билан шуғулланган ёшлар доимо ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, тартиб-интизомли бўлади, шерикларини ҳам спортга жалб қилади. Бу борада сизларга барча шароитларни яратиш берамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент тумандаги нодавлат таълим муассасасини кириб кўрди. Минг ўринли бу мактаб инглиз тили, шарқ тиллари ва аниқ фанларни ўргатишга ихтисослашган. Муассасада ўқув ва компьютер хоналари, STEM лабораторияси, кутубхона, ошхона, спорт зали, бассейн мавжуд.

Мактабнинг янги биноси ўтган йили сентябрь ойида фойдаланишга топширилган. Бугун бу ерда 800 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олади.

— Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, — деган эди давлатимиз раҳбари таълим тизимидаги ислохотларга дахлдор учрашувлардан бирида. Ва айти масала бугун соҳадаги янгиланишларнинг муҳим мезонига айланган.

Мазкур мактабдаги ўқув ва машғулотлар мамлакатимизда ёшларни камида иккита хорижий тил ва битта хунарга ўргатиш талабига мос. Махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар тикувчилик, дурадгорлик, компьютер сирларини ўрганмоқда. Ёшларнинг қизиқишларига мос турли тўғараклар ҳам ташкил этилган.

Президентимиз ушбу мактаб тажрибаси асосида кичик ҳудудда кўп ўқувчи ўринларини яратиш, нодавлат мактабларда таълим сифатини назорат қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Ўқувчилар билан мулоқотда билим энг яхши инвестиция экани, давлат ёшларнинг зўр мутахассис бўлиб, келажақда йўлини топиши учун барча шароитларни яратиши қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур туманидаги Жангоҳ маҳалласида ҳам бўлди.

Мамлакатимизда қуйи тизимга қаратилаётган эътибор ушбу маҳаллада ҳам намойён. Фуқаролар йиғини биноси, кўп қаватли уйлар замонавий қиёфага эга. Майдончалар ва ички йўллар текисланиб, атрофи ободонлаштирилган. Болалар ўйингоҳи ва автотураргоҳ ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни кўздан кечирди. Маҳалла раиси ва вакиллари билан сўхбатлашди.

— Маҳаллада “бешлик” тизимини жорий қилиб, кенг имкониятлар бердик. Бугун улар аҳоли билан давлат ўртасида кўприк. Бу кўприк қанча адолатли, шаффоф, мустаҳкам бўлса, халқимиз шунча рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жангоҳ маҳалласида 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ундан ортиқ маиший хизмат ва юздан зиёд савдо дўконларида маҳалла ёшлари ҳам ишламоқда. Аҳолининг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун ҳам шароитлар яратилган.

Ҳар бир маҳаллага кириб бориш, одамларнинг истак ва талабини манзилли ўрганиш давлат сиёсати даражасидаги масала саналади. Жангоҳ маҳалласида ҳам ишсиз фуқаролар билан мулоқот қилиниб, уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ижтимоий дафтарларга киритилган 230 нафардан ортиқ фуқаро доимий эътиборда.

Давлатимиз раҳбари “Янги Жангоҳ” бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди. У маҳалладаги 52 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. 24 нафар мутахассис ва махсус техникалар доим шай ҳолатда. Ҳисобкитобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида “Менинг уйим” мобил иловаси жорий этилган.

Мутасаддилар билан сўхбатда коммунал тармоқларни янгилаб бориш, аҳоли ишончини қозониб, тўловлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маҳалла айвонида одамлар билан самимий сўхбат бўлди.

— Биз фаолиятимизнинг биринчи кунидан ҳамма ишларни маҳаллада амалга оширялмиз. Чунки бу инсонга энг яқин тизим. Маҳаллангиздаги ободлик бир мисол. Бундай ишлар фақат Тошкентда эмас, Қорақалпоғистону Хоразмда ҳам, Қашқадарёда ҳам, ҳамма жойда қилинапти. Халқимизнинг ўзи — адолатли ҳакам. Бугун юртимиздаги ҳар бир инсон ижобий ўзгаришларни сезапти. Энди бу ишларни давом эттириб, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига туширамиз. Бу — инсонларнинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган халқчил тизим бўлади, — деди Президент.

Нуроний отахон ва онахонлар маҳалладаги, умуман, юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, дуолар қилди.

Президентимиз шу маҳалла яқинида, Абдулла Қодирий кўчасидаги хиёбонда барпо этилган истироҳат йўлагини ҳам кўздан кечирди.

Гавжум шаҳарда, кўп қаватли уйлар яқинида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари ташкил этиш ҳам аҳоли учун қулайлик яратишга қаратилган ташаббуслар сирасига кирди.

Ушбу истироҳат йўлагининг умумий узунлиги 3 километрдан ортиқни ташкил этади. Бу масофада олиб борилган ишлар натижасида 11 гектар майдон бутунлай янги қиёфага кириб, ободонлаштирилди.

Қалин дарахтзор ва ўзига хос ландшафт дизайни умумий уйғунлик касб этади. Йўлак бўйлаб жойлаштирилган ўриндиқлар, 10 га яқин савдо расталари, фавворалар бу ерда сайр қилаётганларга қўшимча қулайлик яратади. Бу маскан аҳоли ва хорижий туристлар учун яна бир диққатга сазовор жойга айланиши таъкидланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АВВАЛБОВЕВ, ЎЗА мухбирлари

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ РЕФЕРЕНДУМ ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Конституцияга киритилган ўзгаришлар халқ ҳуқуқлари, ижтимоий кафолатлар ва иқтисодиёт либераллигини сезиларли даражада мустаҳкамлади

Хорижий электрон ва босма нашрлар Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараёнлар, хусусан, жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан олдин Президент сайлови ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 8 май куни Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи тафсилотларини атрофлича ёритмоқда.

Давоми 2-бетда

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОИЛАЛАРИ ФЕНОМЕНИ



Абдурауф Фитрат “Нажот йўли” да “Коинотнинг ҳаётдан иборатлигига ҳеч шубҳа йўқдир. Ҳаёт бўлмаса, бошқа бирон нарса ҳам бўлмайди. Ўзи коинотнинг асл биноси ҳам ҳаётдир”, деган эди. Бу пурмаъно фикрлардан англашиладики, ҳаёт гоёси бу — тараққий этиш, демак.

Аллоҳ инсонни яратибдики, биринчи манзилдан бугунги кунгача етиб келиш нақадар машаққатли бўлгани, илоҳий бир қудрат касб этганини теран тушуниш жоиз бўлади. Зеро, Одам авлодлари бошидан кўп синовлар ўтгани аён ҳақиқат. Табиий офатлар, қиргинбарот урушлар, гоёвий қурашлар, геосиёсий талашлар... Буларнинг бари онг ва фикрларнинг гоё таҳликали маҳсули.

Агар эътибор берсак, барча даврларда оламу одамнинг яхшилик сари эврилиши феномен ҳодисалар билан боғлиқ эканини кўрамиз. Бу, бир томондан, инсоний талаблар билан йўрилган бўлса, бошқа томондан катта тафаккур ҳосиласига дахлдор жараён. Ҳар икки ҳолатда ҳам маълум бир маконда ҳосил бўлган жамиятнинг тараққий этиши муҳим ва шу боис, бу ҳодиса ноёб қудрат руҳи билан кучланади.

Давоми 3-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

“ҲАЁТГА, КЕЛАЖАККА ИШОНЧИМИЗ ОРТМОҚДА”

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН 21 094 ТА ТУРАР ЖОЙ ТАЪМИРЛАНАДИ, 709 ТА УЙ ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИ



— Оила қурганимизга 30 йил бўлди. Эрим иккинчи гуруҳ ногирони. Кўп қийинчилик кўрдик, неча йиллаб ижарада яшадик. Сўнг имкониятимиз даражасида кичкина уйча қурдик. Лекин куз ва қўқламда томдан чакка ўтиб кетарди. Ёзда томни лой билан сувоқ қилардик. Кузда ана ўша эски ҳолат такрорланарди. Бу орада ўғлимни уйлантирдик. Келинимга раҳмат. Барчасига чидаб яшайди. Вақт ўтиб, икки неварали бўлди. Аммо неварамга тўй қилишга ҳеч имкониятимиз бўлмади, — дейди Тахтақўпир туманида яшовчи Сарвиноз Давленова. — Яқинда давлатимиз 4 хонали уй қуриб берди. Худо хоҳласа, неварамнинг тўйини янги уйда қиламиз. Нолимайман. “Темир дафтар”га рўйхатга олиб, бор ёрдамларини бериб келишмоқда.

Давоми 2-бетда

ТАРАККИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ РЕФЕРЕНДУМ ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ХАЛҚ ҲУҚУҚЛАРИ, ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ ЛИБЕРАЛЛИГИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА МУСТАҲКАМЛАДИ

“Ўзбекистондаги референдумда овоз берилишини кузатган Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси (ISSA) вакиллари бу 50 йилдан ортиқ давр мобайнида ўтган сайловларда энг шаффоф овоз беришлардан бири эканини қайд этди”, деб ёзади Грегори Копли.

Бошланғичи 1-бетда

Америкада нашр этиладиган “Defense & Foreign Affairs” журналида жорий йил 30 апрель куни мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдумида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган мазкур нашр бош муҳаррири ва Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси (ISSA) президенти Грегори Копли каламига мансуб “Қайта тикланаётган Евроосиё маркази” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда муаллиф Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига сайланганидан кейин мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатида очиқлик ва барқарорлашув, қўшни давлатлар билан чегараларни очиш ва чегара низоларини ҳал этиш бўйича музокаралар олиб боришда фаол ҳамкорлик бошланганини қайд этган.

У янгиланган Конституция мазмунини хусусида тўхталар экан, Ўзбекистонда конституциявий референдумга пухта тайёргарлик кўрилгани ва Конституцияга киритилган ўзгаришлар халқ ҳуқуқлари, ижтимоий кафолатлар ва иқтисодиётнинг либераллигини сезиларли даражада мустаҳкамлаганини алоҳида таъкидлади.

Муаллиф умумхалқ референдумида Ўзбекистон фуқаролари фаол иштирок этгани ҳолда, уларнинг 84,54 фоизи Асосий қонунга ўзгариш ва қўшимчалар

лар киритилишини ёқлаб овоз берганини маълум қилган.

“Ўзбекистондаги референдумда овоз берилишини кузатган Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси (ISSA) вакиллари бу 50 йилдан ортиқ давр мобайнида ўтган сайловларда энг шаффоф овоз беришлардан бири эканини қайд этди”, деб ёзади Грегори Копли.

Унинг баҳо беришича, референдумнинг муҳим стратегик яқини шундан иборатки, “ўзбек халқи ўзининг миллий ўзига хослиги устидан назоратни борган сари қайта тиклаётгани ҳолда, том маънодаги ижтимоий шартномага эришмоқда”.

“Defense & Foreign Affairs” журналида, шунингдек, ISSA кўзатувчилари миссиясининг баёноти ҳам эълон қилинди. Унда Ўзбекистонда ўтказилган конституциявий референдум адолатли ўтгани ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини қонуний ифода қилгани алоҳида таъкидланган. Овоз бериш жараёни юқори даражада ошқоралик муҳитида кечди ва қонунбузарликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилди. Овоз бериш осуда ва жиддий процессуал қандабозликларсиз ўтди.

“Биз борган ҳар бир сайлов участкасида сайловчиларга ҳеч қандай тўсиқликларсиз ва эркин овоз беришга имкон

яратадиган адолатли муҳитни таъминлаш бўйича қатъий содиқликни кўрдик. Бундан ташқари, биз мамлакат Конституцияси лойиҳасини узоқ вақт давомида жамоатчилик асосида муҳокама қилган сайловчиларнинг референдумда қатнашишга бўлган иштиёқи давом этаётганига гувоҳ бўлдик”, дейилади мазкур баёнотда.

Италиянинг машҳур “Eurasianews” онлайн нашрида “Ўзбекистон Президенти Президент сайловини белгилади” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда 30 апрель куни бўлиб ўтган конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумдан сўнг Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро ҳокимияти идоралари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан учрашув ўтказгани қайд этилган. “Янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон раҳбари мuddатидан олдин Президент сайловини белгилаш тўғрисидаги фармонни имзолади”, деб ёзади онлайн нашр.

“ХИНДИСТОННИНГ “UNITED NEWS OF INDIA” (UNI) АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРНИ ТАРҚАТДИ. АГЕНТЛИК МУХБИРИ МАЪЛУМ ҚИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ИЮЛЬ КУНИ МАМЛАКАТДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ФАРМОННИ ИМЗОЛАГАН.

Польшадаги “SIEWIE.TV” телеканалнинг веб-саҳифасида ҳам Ўзбекистонда бўлажак муҳим сиёсий воқеага бағишланган мақола эълон қилинди. Телеканал жорий йил 8 май куни мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилгани ва унда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум яқунлари ҳақида сўз борганини хабар қилади. Қайд этилганидек, мамлакат олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқ ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, учрашув давомида мuddатидан олдин Президент сайловини ўтказиш давлат ҳокимиятининг янгиланган Конституция талабларига мувофиқ замонавий ишлаши, халқ ҳокимиятчилиги принципнинг тўлақонли амалга оширилишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланган.

Ҳиндистоннинг “United News of India” (UNI) ахборот агентлиги ҳам мамлакатимизда мuddатидан олдин Президент сайлови ўтказилиши ҳақидаги хабарни тарқатди. Агентлик муҳбири маълум қилганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 июль куни мамлакатда мuddатидан олдин Президент сайлови ўтказиладиган фармонни имзолаган.

UNI, шунингдек, мамлакатнинг янгиланган Конституцияси давлат раҳбарига мuddатидан олдин Президент сайловини сайлов эълон қилинганидан кейин икки ой ичида ўтказилишини эълон қилишга имкон беришини ҳам қайд этган.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан, 2023 йил 9 июль куни мuddатидан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинланди”, деб ёзади UNI.

Ҳиндистоннинг бир қатор бошқа оммавий ахборот воситалари ҳам ўз саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови июль ойида ўтказилиши режалаштирилгани ҳақидаги хабарни эълон қилди.

Туркманiston оммавий ахборот воситалари ҳам мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларни фаол ёритмоқда. Хусусан, “News Central Asia” ахборот агентлиги ҳамда оммабоп “ORIENT” аниқликлар портали Ўзбекистонда Президент сайловини мuddатидан олдин ўтказиш тўғрисидаги хабарни ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилди. “Президентнинг мuddатидан

олдин сайловларни қақриш ҳуқуқи 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижасида қабул қилинган ва 1 майдан эътиборан кучга кирган янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституцияси билан мустаҳкамланган. Янгиланган Конституциядан келиб чиқадиган ўзгаришлар амалдаги сайлов қонунчилигига ҳам киритилди”, деб ёзади Туркманiston оммавий ахборот воситалари.

Жанубий Кореяда инглиз тилида нашр этиладиган “The Korea Post” журналининг ёзишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан ўтказган мулоқоти чоғида янгиланган Конституцияда барча қатлам манфаатлари инобатга олингани, уни ишлаб чиқишда аҳоли фаол иштирок этгани ҳамда референдум орқали қабул қилингани ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлганидан далолат эканини таъкидлади.

Нашр мазкур учрашувда янгиланган Конституцияни амалга ошириш ва унинг ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинганини маълум қилган.

“Ўзбекистон Президенти тегишли фармонни имзолади. Учрашув иштирокчилари ушбу ташаббус мамлакат Президентининг Ўзбек халқига ва демократик тамойилларга бўлган чексиз ҳурмати ва садоқати намунаси эканини эътироф этди”, деб ёзади “The Korea Post” журнали.

“Дунё” АА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

“ҲАЁТГА, КЕЛАЖАККА ИШОНЧИМИЗ ОРТМОҚДА”

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН 21 094 ТА ТУРАР ЖОЙ ТАЪМИРЛАНАДИ, 709 ТА УЙ ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИ

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОРИ ТУФАЙЛИ КўП ЙИЛЛАРДАН БУЁН ҚИЙНАЛИБ КЕЛАЁТГАН, ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИЛИБ, ЯШАБ ТУРГАН УЙ-ЖОЙЛАРИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛИШИ, ҲАҚИҚАТАН, ЖАМИЯТИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ ЭКАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Бошланғичи 1-бетда

Сарвинос опанинг эри Мирзамурот Айманов иккинчи гуруҳ ногирони бўлса-да, “Олма пиш, оғзимга туш”, деб осмонга қараб ётадиганлар хилидан эмас. Томорқасида боғ яратди. Бугун меваларини бозорга чиқариб, оиласи даромадига даромад қўшмоқда.

Жорий йилда Тахтақўпир туманида ҳимояга муҳтож 1499 та оиланинг уй-жойи таъмирланиб, 87 та оиланинг уйи қайтадан қуриб берилди.

Гулчехра Қарлибоева туманнинг “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.

— Оила қурганимга 22 йил бўлди. Икки фарзандим бор. Уй қуриш учун турмуш ўртоғим билан хорижда ишлаб келишимизга тўғри келди. У ёқда жуда қийналдик. Мана, бугун уйимизнинг томини таъмирлаб беришпти. — дейди Гулчехра. — Агар давлатимиз ёрдам бермаганида, билмадим, яна қанча вақт хорижда сарсон-саргардон бўлиб юрардик.

Шу маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сақий Мавленовнинг ҳам турар жойи таъмирталаб эди.

— Бу уйни 2011 йили қурган эдик. Томини ёпишга келганда маблагимиз етмай қолди. Шифери бўлмагани туфайли доим чакка ўтар эди, — дейди у. — Давлатимизга раҳмат, мен каби ижтимоий ҳимояга муҳтож қўшниларимнинг уйларини таъмирлашпти. Тоза ичимлик сув ҳам олиб келинади. Бу эса ҳаётга, келажакка ишончимизни оширади.

Анипа Ҳужалепесова уй бекаси. Турмуш ўртоғи ҳайдовчи. Эрининг



топган-тутгани фақат озиқ-овқатга етди. Уйини таъмирлашга имкон тополмай ўтиришганди. Давлат томонидан уйларининг томи таъмирлаб берилганидан оила жуда хурсанд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфра-таъмирлатилиши янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли турар жойлари хатловдан ўтказилди. 424 та маҳалладаги 21 803 та уй-жойни таъмирлаш учун 343,9 миллиард сўм ажратилмоқда. 21 094 та уйнинг томини таъмирлаш ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатига келиб қолган 709 та уй-жойни янгидан қуриш белгиланган.

Қораўзақ туманида ёрдамга муҳтож 706 та оиланинг уйи томини таъмирлаш ва 7 тасининг уйини қайтадан қуриш, 13 та оиланинг уй-жойини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг

учун 9,8 миллиард сўм ажратилади. Демак, шунча оиланинг яшаш шароити яхшиланади.

Тумандаги Аллаёр Дўсназаров номидаги овул фуқаролар йиғинида яшовчи нафақадаги она Зарафшон Сейтмуротова кўп йиллар давомида ижарада яшаб келди.

— Уч қиз, бир ўғлим бор, — дейди Зарафшон опа. — Эл оғаларига раҳмат. Янги уй қуриб беришди.

Савобталаб тадбиркорларнинг бу хайрли ишга қўшилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай инсонларнинг ёрдами билан туман марказининг Есим маҳалласида 5 та оила учун мухташам янги иморат қад ростлаяпти. Бино томига қуёш панеллари ҳам ўрнатилмоқда.

— Кўп йиллар давомида ижарада яшадик, — дейди кўзларида ёш билан Арзигул Қакабоева. — Ешим 50 дан ўтди. Совуқ жойларда яшаганим учун оёғим оғрийдиган бўлиб қолди. Бугун орзуларим амалга ошмоқда. Бизга янги макон қуриб беришди. Қолган ҳаётимни

шу уйда маза қилиб ўтказмоқчиман.

Беруний туманида 1189 та уйнинг томини шиферлаш, 127 та уйни му-

каммал таъмирлаш ва яшашга яроқсиз ҳолатга келиб қолган 18 та уйни бузиб қайтадан қуриш лозим. Ҳар бир ҳудудда бошланган ишларнинг сифатли ва ўз вақтида яқунланиши сектор раҳбарлари назоратида.

Айни пайтда тумандаги Қизил қалъа, Махтумқули ва Озод овул маҳаллалари, “Марказий”, “Лолзор” ва “Қаншартол” овул фуқаролар йиғинларидаги 10 та уйнинг томини шиферлаш бошланиб кетди.

— Биз яшаётган уй 1960 йили қурилган. Шундан бери томини шиферлашга ҳеч қурбимиз етмади, — дейди тумандаги “Марказий” ОФИда яшовчи Гулҳумор Гадалиева. — Яқинда 74 ёшга кирдим. Шу пайтгача бундай ғамхўрлик кўрмагандим.

Баби савобли ишлар тўртқўлликларнинг ҳам ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда. Тўртқўл туманида 2521 та уйда таъмирлаш ишлари олиб бориш белгиланган. Уларнинг 33 тасини бузиб қайта қуриш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида зикр этилган қарорига асосан, Чимбой туманидаги 918 та хонадоннинг томини шиферлаб бериш ва 46 та хонадонни қайта қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилган.



“ЧИМБОЙ ТУМАНИДАГИ 964 ТА УЙ-ЖОЙНИНГ 136 ТАСИ ШАРОИТИ ОҒИР, 46 ТАСИ ЯРОҚСИЗ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЗАРУРАТИ БОР ДЕБ ТОПИЛГАН. УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШГА 15 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛМОҚДА.

Таъмирталаб уйлardan бири “Кўкча қалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нурғали Юсуповга тегишли.

— Уйимизнинг томи шифер бўлмагани боис, ёмғир ёғса, дарров чакка ўтиб кетарди. Эрим чет элда ишлаб, топганини жўнатарди. Лекин томиимизни таъмирлашга маблаг етмасди, — дейди Нурғали аканинг хотини Насиба Қназбоева. — Мана, давлатимиз томонидан уйимиз шиферланди. Бу ишга масъул бўлган барчадан чексиз миннатдорман. Гулбахор опа Бекниязова тумандаги Ипак йўли маҳалласида узоқ йиллардан бери яшаб келади. Ногиронлиги бўлган опанинг аҳволи ўрганилиб, 4-сектор раҳбарлари томонидан икки хонали уй қуриб берилган эди. Бу сафар эса ушбу уйнинг томи шиферланмоқда.

Чимбой туманидаги 964 та уй-жойнинг 136 таси шароити оғир, 46 таси яроқсиз ва қайта қуриш зарурати бор деб топилган. Уларни таъмирлаш ва қайта қуришга 15 миллиард сўм ажратилмоқда.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори туфайли кўп йиллардан буён қийналиб келаётган, ёрдамга муҳтож аҳоли учун янги уйлар қурилиб, яшаб турган уй-жойлари таъмирлаб берилиши, ҳақиқатан, жамиятимизда инсон қадри улуг эканидан далолатдир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИМИЗГА ГАРД ЮҚМАСИН

Раъно ТУРДИБОЕВА,
камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари,
юридик фанлар номзоди

Инсониятнинг тарихий тажрибаси ва тараққиёт йўли оила ҳар биримиз учун энг азиз ва мўтабар гўша — чинакам ҳаёт ва тарбия ўчоғи экани, ҳеч ким ундан айро яшай олмаслиги, усиз камолда етмаслигини аллақачон исбот қилган. Оиланинг жамиятда тутган ўрни бекиёс ва уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.



Юртимизда миллионлаб оилалар ва ҳам-масининг ўзига хос хусусиятлари, оилавий анъаналари бор. Миллий қадриятларимизга кўра, оиладаги тартиб-интизом, меҳнат ва ором, ўзаро ҳурмат ҳамда одоб-ахлоқ оила бошлиғи зиммасида бўлади.

вазят кўшни хонадонларга ҳам кўчиши ва жамиятда ҳукм сураётган осойишталикка салбий таъсир этиши турган гап. Албатта, бундай вазиятларда ибратли тарбия ўчоғи саналган маҳалла жамоатчилиги томонидан оилавий муҳитни соғломлаштириш, барқарорлаштириш, аҳиллик ва тотувликни таъминлашда таъсирчан тағрибот-ташвиқот ва тушунтириш тадбирларининг аҳамияти янада муҳимдир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратди”, деб белгиланди.

Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун нафақат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, балки давр талабидан келиб чиққан ҳолда бошқа шарт-шароитлар яратишни ҳам ўз зиммасига олмақда. Масалан, 2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди.

Аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида ёшларни ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга 6,6 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган, ушбу мақсадларга ажратилаётган маблағ ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп.

Асосий қонунимизда ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ҳаммуҳим қилиниши мажбур экани белгиланди. Илк мартабада Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши инобатга олиб, республикада яшовчи барча фуқароларнинг анъанавий оилавий қадриятларини ҳурмат қилиши эътироф этилди. Шу нуктага назардан, Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятлари деганда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга, шу жумладан, Оила кодексига зид бўлмаган анъаналари тушунилади.

Бош қонунда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ҳаммуҳим қилиниши мажбур экани белгиланган бўлиши билан, Конституциямиз оила институтини тўлақонли ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган нормалар билан тўлдирилди. Ушбу нормалар оила институтини мустаҳкамлаш, оила фаровонлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Энди Конституциямизга киритилган бу нормаларни ҳаётга, амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олишимиз лозим. Бу жараёнда маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ҳамда илмий асосланган таъсирларни ишлаб чиқиш, тадқиқот ишларининг амалий аҳамиятини ошириш мақсадида фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, ушбу йўналишда комплекс, мақсадли, соҳавий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асосларини шакллантириш каби муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Шу билан бирга, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида соҳа мутахассисларини зарур услубий адабиётлар билан таъминлаш масаласи ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Оилавий ажралишлар ёки ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятсизлиги қўллаб-қўлланган иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда бу йўналишдаги муаммолар масалалар ечимини топиш мақсадида олимларимиз ва тадқиқотчилар оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий ва фундаментал изланишлар олиб бормоқда.

Инсонни улуғлайдиган фазилатлар, энг аввало, оилада камол топади. Оилада туғилган ҳар бир фарзанднинг соғлиғи, жиҳмонан етулиши шарт. Фарзанд ўғилми, қизми, ота-она учун Ҳаратан томонидан берилган улуг неъматдир. Бу неъматни авайлаб-асраб вояга етказиш ота-онанинг бурчи.

Дунё тамаддунида чуқур из қолдирган олим-физуолог, шоҳу саркардаларни тарбия қилган юртимиздан Ватанига, миллатига, элу юртига ва ота-онасига хизмат қилдиган фидойи фарзандлар етишиб чиққан. Бугун бу давомий бўлиши учун ҳар биримиз оиламизни муқаддас билиб, уни кўз қорачиқидек асрашни олий бурч, деб билайлик.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОИЛАЛАРИ ФЕНОМЕНИ

Марям АБДУКАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳар филиали бош инспектори



Бошланиши 1-бетда

Гап ҳаёт гоёси ҳақида борар экан, унинг фалсафий оҳанги ҳамisha одамларнинг интилиши, орзу-умидларида ва тақдирга, хусусан, яшаш тақдирига мустаҳкам ишончида бўй кўрсатишни қайд этиш жоиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, жамиятдаги бу ишонч муҳити ҳар бир шахснинг ички ва ташқи эҳтиёжлари билан юзага келади. Яъни инсон туғилиши билан пайдо бўладиган табиий ҳуқуқларидан фойдаланиш асосида ўзининг жамиятга дахлдор қиёфасини яратиш ҳаракатига тушади. Бу қиёфа оилавий туғулган билан шаклланади ва ниҳоят, жамият тараққиётига боғланади.

Демак, ҳаёт гоёси асоси — тараққиёт йўли бевоқиф оилалар билан боғлиқ ҳодиса экани аёнлашади. Шу боис, оилани жамиятнинг бош ўзаги, дейишга тўла ҳақимиз.

Аммо тарих биткиларида оилага адолатсиз муносабатлар бўлганини ҳам кўриш мумкин. Бу муқаддас қўрғоннинг эътиборсиз қолган ёки давлат манфаатлари оиладан устун қўрилган оқибатлари бўлгани ҳам, афсуски, бор гап. Бундай шарт-шароитда жамият мафқурасида тизгинсиз бўшлиқ пайдо бўлади, ўзаро ишонсизлик руҳи ҳосилга киради. Бўшлиқ ва ишонсизлик руҳи эса макон хавфсизлигига таҳдид ўлароқ, миллий давлатчилик инқирозига йўл беради. Тараққиётда депрессия ҳодисаси кузатилади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Хусусан, миллийлигимиз мустақилла йиллари ва ундан кейинги тикланиш даврида жамиятимизнинг бундай муғли қиёфасини кўрган инсон сифатида айтишимиз мумкинки, тақдир бугун бизни кўп яхши неъматлар билан сийлаётганининг қадрига етишимиз, бунинг учун Аллоҳга шукроналар айтишимиз жоиздир.

Миллий оҳанглари ўзани

Ўзбек жамиятида оила энг устувор қадрият сифатида қўрилганини айтиш янгилик эмас, албатта. Лекин бугунги ислохотлар шуқуҳи бизни



даги Мурожаатномасида таъкидлангандек, аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказиш мақсад қилинган. Энди бир ўйлаб кўрайлик. Биргина ижтимоий ҳимоя таъсирида икки миллиондан зиёд оила давлат ҳамхўрлигини ҳис қилиб турибди. Ёки 300 мингта уйда қанчадан-қанча оилалар бахтли ва тўқис ҳаёт кечира бошлади. Булар оддий ра-

йин ҳам бардавом бўлади ва унинг мустаҳкам асоси янги таҳрирдаги Конституциямиз билан қатъий белгилаб қўйилди.

Шу боис, оила муҳитида ҳам янги-янгиланиш даври бошланганини эътироф этган ҳолда, оилавий тафаккур аломатлари ҳақида икки оғиз гапиршни ўринли билдик.

Оила ижтимоий ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини,

ДАВЛАТ ОИЛАНING ТўЛАҚОНЛИ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ИЖТимоий, ИҚТисодий, ҲУҚУҚий ВА БОШҚА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТАДИ. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасидан)

қамлардек кўринса-да, улар ортида ўзгарган тақдирлар шуқуҳи турганини ҳис қилиш мумкин.

Иккинчидан, оиладаги қувноқ муҳит шуқуҳи яхлит жамият қиёфасига кўтаринки кайфият бағишлаганида. Аслиятини жамият қиёғи инсонларнинг руҳияти билан қуршалган бўлади. Шу маънода, биз айтмоқчи бўлган кўтаринкилик кайфияти янги Ўзбекистон руҳи билан мослигида катта ҳаётий ҳикмат борлигини англаймиз.

Бу нималарда намоён бўлади десангиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, кейинги йилларда халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида қилинган катта ишлар жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантирди.

Бир ўйлаб кўринг, ўтган 5-6 йил ичида оилавий режалар қилиш қўлами ҳам, салмоғи ҳам кўпайиб бормоқда. Бугун оилавий саёҳатга чиқаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашнинг қўллаб-қувватлаш учун айнан рақамларга мурожаат қилишга тўри келади.

Рақамлар баъзан зерикарликдек туюлади. Шундай бўлса-да, саноксиз тақдирларнинг ижобий ўзгариши ҳаваслантириш учун айнан рақамларга мурожаат қилишга тўри келади.

2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, 2023 йил бошига келиб, улар сони 2 миллиондан ортди. Ажратилаётган маблағлар эса 7 баробар кўпайиб, 11 триллион сўмга етди.

Охириги опти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Президентимизнинг 2022 йил якуни-

тарбия улзуксизлигини таъминлайдиган, келажак авлод, қадриятлар тизимига ўз таъсирини кўрсатадиган ижтимоий макон саналади. Оила жамиятни ривожлантирадиган бирламчи ижтимоий гуруҳ ҳамдир.

Мамлакатимизда оила ва оилавий қадриятлар ҳимоя қилиниши конституциявий даражада мустаҳкамланди.



Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Унинг аломатларидан (яна бири) — сизлар (нафси қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”, дея марҳамат қилади.

Демак, оилавий тафаккур аломатларидан бири бу — оилани бўлиш инсоният наслининг кўпайиши ва қиёмат кунигача боқий бўлиши учун лозим бўлган ҳақиқий йўл экани ойдинлашади.

Бир сўз билан айтганда, одамлар қачон бахтли бўлади, қачонки ўзи ва фарзандлари соғлом бўлса, оиласида тинчлик ҳукм сурса. Янги Ўзбекистондаги оила сийасатида ана шу жиҳатларга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда қўллаб-таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширдик.

Буларнинг барчаси бирлашиб, янги Ўзбекистон оилалари феноменини ташкил қилади. Бундай ҳодисалар эса доимо қадрланиб, одамлар ва жамият ҳаётида янги даврни бошлаб бергани билан эъзозланган.

Оила — ҳар бир жамиятнинг бошлангич бўғини. У мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Оддийгина эътиборсизлик ҳам баъзи ҳолларда турмуш маромини издан чиқариши мумкин. Шу боис, бутун дунёда инсониятнинг ана шундай бебаҳо қадриятини асраб-авайлаш ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. 15 май жаҳон миқёсида Халқаро оила куни сифатида нишонланиши

бунинг исботидир. Ушбу байрам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йил 20 сентябрдаги Халқаро оила йили тўғрисидаги резолюцияга мувофиқ, 1994 йил 15 майдан бундан мунтазам равишда нишонлаб келинади.

Ҳукуматнинг мазкур сани мамлакатимизда ҳам кенг нишонлашга оид тегишли ҳужжатлари қабул қилинди. Унга кўра, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, фаровонлик даражасини ошириш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш мақсадида “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танлови ўтказилди.

Юртимизда ибратли ва намунали оилалар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос анъанага, удумга эга. Маҳаллада уларга зиёлилар оиласи, хунармандлар сулопаси, тадбиркорлар оиласи, дея қўллаб-таърифлар берилади. Намунали ҳисобланган бир оиланинг таърибаси ёки ҳаёт тарзи бошқа оилаларга тўри келмаслиги ҳам мумкин. Негаки, ҳар оилада турлича шароит ва вазият ҳукмрон. Лекин ҳамма оилалар учун умумий қадриятлар бор. Бу, авваламбор, хонадон соҳибларининг барчага ибрат бўладиган намунали ҳулқи, инсонийлик фазилатлари, меҳнатсеварлиги, фидойилиги, ҳалоллиги, поклиги, фарзанд тарбиялаш салоҳиятидир.

Салбий муҳит ҳукмрон жойда эзгулик уруғи униси амири маҳол. Бир оиладаги беқарор

Оилавий тафаккур аломатлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 8 май куни Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқида “Янгилаган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, деб қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда муҳрланган бу принциплар — мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажagini белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгаририлмайди”, деди.

Бу шуни аналтадики, халқимиз турмуши, оилаларимиз фаровонлиги йўлидаги ислохотлар бундан ке-



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

АСР ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ

ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Расул РАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳридаги Вебстер университети
ижрочи директори



Иссиқхона газлари чиқиндисининг 75 фоиздан ортиғи ва барча карбонат ангидрид чиқиндисининг қарийб 90 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.

Дунё иқтисодиёти ва сайёрада аҳоли сони ўсиб бориши билан параллел равишда энергия ресурсларига эҳтиёж ҳам муттасил ортмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини талабга яраша ошириш учун, биринчидан, ресурслар чекланган, иккинчидан, анъанавий усулда энергия ишлаб чиқариш атмосферага катта зарар етказмоқда. Хусусан, кўмир, нефть ва газ каби ёқилғилар қазиб олиниши ва қайта ишланиши глобал иқлим ўзгаришига энг катта сабабчи омиллар ҳисобланади. Глобал



Давлатимиз раҳбари шу йил 27-28 апрель кунлари пойтахтимизда ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Ўзбекистон ҳамкорлик қиладиган бешта асосий йўналишни санади. "Яшил" иқтисодиёт энг муҳим йўналиш ўларок, ушбу рўйхатдан биринчилар қаторида жой олди.

Ўзбекистон ҳозир 2-3 миллиард кВт/соат кўшимча қувватга эҳтиёж сезмоқда ва яқин беш йил ичида бу кўрсаткич 10 миллиард кВт/соатга ошиши тахмин қилинмоқда. Бундай ҳолатда йirik ва истиқболли лойиҳалар билан бир қаторда аҳоли хонадонлари, корхоналар, ижтимоий соҳа объектларида муқобил энергиядан фойдаланишни оммалаштириш ҳам энг самарали чорадир. Шундан келиб чиқиб, юртимизда муқобил энергия, шу жумладан, қуёш панелларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратиляпти ва бу борадаги жамоатчилик ташаббуси фаол рағбатлантирилмоқда. Айтилик, юридик шахслар билан бир қаторда жисмоний шахслар ҳам қуёш панеллари ва

қуёш сув иситиш қурилмаларини онлайн тарзда сотиб олиши мумкин. Бунинг учун energymarket.uz сайтида барча имкониятлар яратилди. Ушбу қурилмаларни тўлиқ харид қилган фуқароларга Энергияни тежаш жамғармаси томонидан компенсация берилди. Шунингдек, қурилмаларни ўрнатган юртодшларимиз ишлаб чиқарилаётган энергиянинг эҳтиёжидан ортиқча қисмини сотиши мумкин. Яъни истеъмолдан ортиқча қисми давлат кафолати остида электр таъминоти корхонаси орқали сотилади.

Айни йўналишдаги савй-ҳаракатлар, яратиб берилган шартот ва имтиёзларга ҳамоҳанг тарзда Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ҳам муқобил энергия имкониятларидан фойдаланишни мақсад қилмоқда. Университетимизнинг таълим дастурларини амалга ошириш марказида қуввати 100 кВт/ти қуёш панеллари ўрнатиляпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қура, ушбу қурилмалар бугунги кунда сарфланаётган умумий энергиянинг 50 фоизини қоплайди. Бошқача айтганда, энергия учун сарфланадиган маблағимизнинг тенг ярми иқтисод қилинади. 2024 йил сўнгига қадар эса кармовни 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Умуман олганда, сайёрада иқлим ўзгариши ва энергетика барқарорлиги билан боғлиқ муаммолар давом этар экан, "яшил" энергия уларни ҳал қилишда энг муҳим, ҳатто ягона омил бўлиб қолаверди. Ўзбекистон минтақادا ривожланган "яшил" энергетикага эга бўлиши эса барча соҳалар ривожига кенг йўл очди. Шунинг учун муқобил энергия жорий этиш ва тарғиб қилиш нафақат масъулиятли танлов, балки иқтисодиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлиги учун ҳаётий зарурат ҳамдир.

Шу боис, айниқса, ривожланган давлатларда "яшил" энергетика тобора оммалашаяпти. Масалан, Европа Иттифоқи 2030 йилга бориб қайта тикланадиган энергия улуғини 32 фоизга етказишни режа қилган бўлса, АҚШ 2050 йилгача зарарли газлар ажралиб чиқиши фоизини нолга тенглаштиришни мақсад қилган. Бу борада етакчилардан бири бўлган Норвегия бугунги кунда ички истеъмол учун сарфланадиган энергиянинг 99 фоизини ана шундай технологиялар орқали олиши эътирофга лойиқ.

Мана шундай мураккаб шартотда табиатга зарар етказмаган ҳолда, қайта тикланувчи энергия олиш, ресурсларни тежаш ва экология мувозанатини сақлаш барча давлатлар учун муҳим вазифалардан бирига айланган. Юртимизда ҳам айни жиҳатлар боис, муқобил энергетика имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Электр энергиясига талаб 35 фоиз ўсган ва бу кўрсаткич муттасил ортиб бораётган бир шартотда йirik лойиҳалар амалга ошириляптани муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, 2021 йилда Навоий вилояти Кармана туманида 100 мегаватт қувватли биринчи йirik қуёш фотозлектр станцияси, 2022 йилда Самарқанд вилояти Нуробод туманида худди шундай иккинчи станция ишга туширилди.

Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ, Навоий вилоятининг Нурота, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Жиззах вилоятининг Фаллаорол, Самарқанд

вилоятининг Каттақўрғон туманларида жами 1 минг 197 мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳам 2023-2024 йилларда ишга туширилиши режа қилинган. Шунингдек, Бухоро вилоятининг Пешкў ва Ғиждувон туманларида, Навоий вилоятининг Томди туманида қуввати 500 мегаватт 3 та шамол электр станцияси 2024-2025 йилларда барпо этилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда муқобил энергия яратиш йўлида тизимли ҳаракатлар изчи давом эттирилса, 2026 йилга қадар умумий 868 мегаватт қувватга эга гидрозлектр станциялар ҳамда 8 минг мегаватт қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади.



КАРОР ВА ИЖРО

ҒУЗОРДА гулчилик кластери ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Сўнгги йилларда ҳар бир худудда аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилямоқда. Турли йўналишларда одамларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлаши, даромад топиши учун имкониятлар яратилмоқда. Касаначилик, боғдорчилик, деҳқончилик каби қатор соҳалар билан шуғулланаётганларга имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. Йirik корхона ва ташкилотлар, кластерлар ташаббуси билан ҳам янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги "2023-2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига

таилади. Шундан сўнг улар яқинда ташкил этилган "Green agro house" МЧЖга ишга қабул қилиниб, кластерга ажратилган бир гектар ерда гулчилик билан шуғулланади. Кейинчалик маҳаллалардаги хонадонларда гул парвариш бошланади. Бу



асосан, вилоятда кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни иссиқликдан ҳоли худудга айлантириш мақсадида Наманган вилояти тажрибаси асосида Ғузор туманида гулчилик кластери ташкил этилди.

Тумандаги Қовчин ҳамда Зарбдор маҳаллаларини гулчиликка ихтисослаштириш ҳаракатлари бошлаб юборилди.

— Айни пайтда икки маҳалладан гулчиликка қизиқувчи 50 хонадон саралаб олинди, — дейди "Қовчин" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Шоҳрух Ҳақназаров. — Улар, асосан, "Аёллар дафтари"да рўйхатда турувчилардир. Ҳозир Наманган тажрибасини ўзлаштириш, бу маҳаллаларини гулчиликка ихтисослаштириш ишлари якунига етай деб қолди. Келгуси ойдан Наманган вилоятининг мутахассислар жалб этилиб, 50 нафар хотин-қиз шу йўналиш бўйича курсда ўқи-

жараёнда кластер ўзи гул кўчатларини етказиб беради ва ўзи қайта сотиб олади. Биз шу жойнинг ўзида иқлимимизга мос, тупроғимизга чидамли гулларни кўпайтиришни ўрганиб, келгусида бу йўналишни кенг ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Қовчин маҳалласи худудидан ажратилган ерда кластер аллақачон гул кўчатларини кўпайтириб, савдога ҳам чиқармоқда.

Кластер раҳбари Муҳиддин Ҳақназаровнинг айтишича, агар тармок кенг ривожланса, нафақат иккита маҳаллада, балки бошқа худудлардаги хонадонларда ҳам гулчилик ташкил этилади. Ҳозир лойиҳа қиймати 2 миллион долларлик ярим муддатли ижара асосида ажратилган таъйёр маҳсулот ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш ишлари қизғин бормоқда. Жорий йил якунига қадар мажмуада гуллардан турли ярим таъйёр маҳсулотлар олиниб, Европага экспорт қилинади.

Ақбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЖИЗЗАҲДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

Жорий йил 2 май куни Президентимизнинг "2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, ҳеч шубҳасиз, жиззахликлар қалбига яратувчилик иштиёқини, эртанги кунга ишончини янада оширди.

Қарорга асосан, маҳаллаларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш тезлашади. Инфратузилмавий шарт-шароитлар яратилиб, ишлаб чиқариш кенгайди, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади. Аграр соҳага алоҳида эътибор ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўпаяди. Фойдаланилмаётган давлат активлари ҳамда мавжуд табиий ресурслар захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари янада кенгайди. Натияжада биргина жорий йилда 135 минг янги иш ўрни ташкил этилади.

Шунингдек, 2023 йилда вилоятда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ва ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча тарзда 406,1 миллиард сўм маблағ ажратилади.

— Қишлоғимизнинг электр симёғочлари эскирган сабабли қаттиқ шамолда синиб, симлари узилиб кетар, уни тиклаш учун тўрт кунлаб электр бўлмади, — дейди Форш туманининг "Ухум" ҚФЙ Мушкибирён маҳалласида яшовчи Ҳусинбой Алимов. — Яқинда маҳалла-

ларнинг ташаббускор йигитлари эскирган симёғочларни янги бетон-устунларга алмаштириш лойиҳасини "Open budget"га қўйганди. Тўғриси, бу соҳада тажрибамиз йўқлигиданми ёки ушбу масала мазмун-моҳиятини тўғри англамаганимиз тўғрими, етарли овоз тўпловмадиқ.

Навбатдаги шундай танловда маҳалламиз йилини асфальтлаш лойиҳаси қўйилди. "Open budget"нинг биринчи босқичидаги мағлубиятдан тўғри хулоса чиқарган маҳалламиз аҳолиси бу сафар бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилди ва ғолибликни қўлга киритди.

Қишлоғимиз бир неча маҳалладан иборат. Ушбу лойиҳада ғолиб бўлганимиздан бир қувонган бўлсак, барча маҳаллаларимиз аҳолисининг бирлашганидан минг қувондик. Энди насиб бўлса, йўлларимизга ўтган асрининг саксонинчи йиллари охирида қилинган асфальт ўрнига янги асфальт ётқизилади. Қишлоғимиз туризм қишлоғи ҳисобланади. Йўлларимиз раво бўлса, сайёҳлар ҳам кўпроқ ташриф буюриши аниқ. Бу аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Қишлоғимиз аҳолиси бирлашиб, "Open budget"даги ғалабамизни нишонладиқ. Ушбу тадбирда олдинги сафар ҳам шундай ҳаракат қилганимизда, албатта, ғолиб бўлар эканмиз. Электр билан боғлиқ муаммомиз ҳам ҳал бўларди, деб афсуслангандик. Бунга қараганки, бир неча кун аввал киймир қишлоғимизнинг телеграм

гурухига "Президентимизга раҳмат, қишлоғимизнинг эски симёғочлари ҳам алмашадиган бўлди. Энди уч-тўрт кунлаб электр ўчишлар бўлмайди", деб ёзбди.

Тўғриси, кўпчилик аввал ишонмаганди. Кейин Президентимизнинг жорий йил 2 майдаги "2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг электрон шақлини телеграм гурухимизга жойладик. Энди халқимизнинг хурсандчилигини кўрсатдиқ. Ҳамма халқларвар давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтиб, миннатдорлик билдирапти, дуо қиляпти.

Ушбу қарорнинг биз учун яна бир аҳамиятли жойи — қўшни Мажарум қишлоғидаги оилавий шифокорлик пунктининг ташкирлангани бўлди. Бир неча йиллар олдин ёпилган бу тиббий муассаса ниҳоят яна иш бошлаяпти. Ушбу қишлоқ аҳолиси шифокор йўқлигидан кўп қийналганини билмаган. Улар ҳам ҳали мазкур қарор ҳақида билмас экан. Кеча улардан суюнчи олиб, қарорнинг электрон шақлини юбордим. Уларнинг ҳам хурсандчилиги чексиз, қишлоқ оқоқолари дуодо. Умуман, ҳукуматимиз, шаҳсан давлатимиз раҳбарининг Форшдаги олис, тоғли қишлоқларга бўлган шундай эътиборидан бошимиз кўкка етди, десам муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, қарор асосида уч йил давоминда вилоятда инвестиция ҳисобига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 20 та йirik истиқболли инвестицион лойиҳа режаси тасдиқланди.

Жумладан, 2024 йилнинг апрель ойига Хитойнинг "BYD" компанияси билан ҳамкорликда 80 миллион доллар инвестиция ҳисобига Жиззах эркин иқтисодий зонасида "BYD" бренди остида электр-



мобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Еки Форш туманида "Total Egen" компанияси томонидан 200 миллион долларлик инвестиция ҳисобига жаҳон стандартларига жавоб берадиган 300 мВт қувватга эга қуёш фотозлектр станцияси барпо этилади.

Мазкур қарорнинг 5-иловасига асосан, 2023 йилда жами 25 гектар майдонда янги ташкил этилиши режалаштирилган кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш манзилли дастури тасдиқланди.

— Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин эгаллайди, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибати мудири Ваҳожон Норбоев. — Шу сабабли мазкур қарорда ер майдонлари ва сув ресурс-

ларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни қўлайитиришга алоҳида эътибор қаратиляган. Жумладан, 2023 йилда Дўстлик туманида янги деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун пахта ва ғалла майдонларидан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши бўлган экин ерлар ҳисобидан аҳолига қўшимча 500 гектар ер майдони ажратилди. Бундан ташқари, 2023-2025 йилларда Арнасой, Баҳмал, Фаллаорол, Зомин, Форш, Янгиобод туманларида ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ҳисобига 9480 гектар ер майдони фойдаланишга киритилади. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 83,1 миллиард сўм маблағ ажратилиши таъминлайди.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда аҳолига ижарага берилган 400 гектар ерда узоқ муддатли ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маҳсулот етиштириш учун олдиндан буюртма бериш, кўчат, уруғлик ва ўғит билан таъминлаш, агроном бириктирилган ҳолда ер эгалларининг билим-кўникмаларини оширишга кўмаклашадиган "Агратор" тизимини жорий этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташши, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Туманларнинг ихтисослашуви, иқлими, ижарага берилган ер майдонига яқин бўлган маҳаллаларда етиштириладиган маҳсулотлар ва аҳолининг шакланган кўникмасини инобатга олган ҳолда, "Бир контур — бир маҳсулот" тамойили асосида экспорттоп ва юқори даромадли экинлар экилиши таъминланади.

Бунда ушбу ер майдонларини ижарага олган аҳолига деҳқончиликда илгор технологиялардан фойдаланиш ва самарадорликка эришишга кўмаклашиш, улар учун ўқув семинарларини ташкил этиш чоралари кўрилади.

Умуман, қарорда белгиланган вазифалар ижроси вилоятни янада ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шартот яратиш, хусусан, уларнинг бугунги ҳаётдан рози қилиш, эртанги ёруғ кўнларга ишончини янада орттиришга хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЗИЛЗИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ғиёсжон РАҲИМОВ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор



Тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Хавфсизлик бўйича назарий ва амалий билимлар барчага етиб боришни таъминлаш лозим.

Дунё миқёсида содир бўладиган табиий офатлар орасида зилзила аянчли оқибатлари, жиддий талафотлари билан ажралиб туради. Чунки табиатнинг ушбу ҳодисаси бир неча сония ичида жуда катта хавф-хатарни юзага келтириб, одамлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, минглаб инсонлар қурбон бўлишига ва жуда катта миқдорда иқтисодий зарарга олиб келиши мумкин.

Минтақадаги ҳозирги сейсмик фаоллашув даврида зилзила билан боғлиқ фавулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга олдидан тайёргарлик кўриш, кейинги ҳаракатларни аниқлаштириш олиш энг долзарб вазифалардан. Чунки олдидан тайёргарлик қўрилганда инсон ярим кўтарилган ҳисобланади.

Мамлакатимизда иншоотларнинг сейсмик муҳаббатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соҳа ташиқлотлари фаолият самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар, комплекс чора-тадбирлар кўриломоқда. Бугун соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда аҳоли ва ҳудудларни зилзила келтириб чиқарадиган талафотлардан муҳофазалаш, уларнинг қўламли ва миқдорини камайтириш мақсадида қатор комплекс профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Сейсмик хавф-хатарни баҳолаш

Ўзбекистон Ер шарининг сейсмик фаол ҳудудларидан бири ҳисобланган Урта ер денгизи — Осиё сейсмик камарида жойлашгани боис, кучли ва сезиларли зилзилалар содир бўлиб туриши табиий ҳолдир. Сейсмология институтидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ва унга чегарадош ҳудудларда қатор кучли — М2.5 зилзилалар (Қамаши, Сумсар, Жалолобод, Тошкент, Кан, Маржонбўлоқ, Туябўғиз) содир бўлган. Масалан, 2013 йил 25 майдаги Туябўғиз (М=5.6) ҳамда ўша йили 26 майдаги Маржонбўлоқ (М=6.2) зилзилалари оқибатида ижтимоий бино ва аҳоли турар жойларига жиддий зарар етган.

Кучли зилзилалар оқибатларини ўрганиш натижалари кўрсатадики, эҳтимолий талафотларни камайтиришда муайян ҳудуддаги мавжуд сейсмик хавф-хатарни олдидан баҳолаш ҳамда тегишли профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Сейсмик хавф-хатарни баҳолашда собиқ иттифок даврида қўрилган эски бино ва иншоотлар ҳолатини инвентаризация қилиш ҳамда уларнинг сейсмик муҳаббатлигини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, янги бино ва иншоотлар қурилишида сейсмик хавфсизлик талаблари қатъий бажарилишини таъминлаш зарур.

Зилзила оқибатларини прогноزلаш орқали сейсмик хавф-хатарни баҳолаш ишларида ГИС технологияларидан

Сўнгги йиллардаги кучли ва сезиларли зилзилаларнинг аянчли оқибатлари таҳлили кўрсатдики (бунга Туркиядаги кучли зилзилани мисол келтириш мумкин), эҳтимолий ер силкинишларидан антисейсмик бино ва иншоотлар қуриш билангина ҳимояланиб бўлмайди. Сейсмик хижатдан фаол ҳудудда яшовчи аҳолининг зилзилага тайёргарлигини босқичма-босқич ошириб бориш, ҳар бир фуқаронинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, бундай вазиятларда қўрқув ва ваҳимага берилмай, тезкор ва тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш зарур.

Фойдаланиш замонавий усуллардан бири бўлиб, хорижий давлатларда кенг қўлланиб келмоқда. Хусусан, кутилаётган зилзила магнитудаси, зилзила ўчоғи чуқурлиги ва координатлари ҳамда ҳудуднинг сейсмикиги, муҳандис-геологик, демографик ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эҳтимолий талафотлар қўламини тезкор прогноزلатириш мумкин. Кучли зилзила оқибатларини прогноزلатириш орқали фавулодда вазият ўчоғида тегишли кидирув-қутқарув ва авария-қутқарув хизматлари томонидан тезкор ҳаракат қилиш сценарийларини олдидан ишлаб чиқиш, турли балларда юзага келиши мумкин бўлган талафотларни ҳисобга олган ҳолда зарурий куч-воситалар миқдори ва ҳаракат режаларини аниқлаштириш, ўтказиладиган даврий ўқув машқларига баҳолаб бориш имкони яратилади.

Кучли зилзила келтириб чиқарадиган иккиламчи йирик фавулодда вазиятлар чоғида (кимёвий ва радиация заҳарланиш, йирик ёнғинлар ўчоғи ҳамда катта ҳажмдаги вайроналар жойида) ҳаракатланиш даврида турли қўламлидаги ситуация ҳариталарга, ўлчаш ускуналарига табиий эҳтиёж сезилади. Айрим ҳолларда фавулодда вазият жойига борилганда ҳудуднинг метеохолатини мустакил баҳолашга, аниқ географик координатларини тезкор аниқлашга, эски ҳариталарга тегишли тўзатиш ва ўзгариштирил киритишга тўғри келади. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатларда замонавий асбоб-ускуналар, хусусан, мобил метеостанция ҳамда GPS навигаторлардан ҳам кенг қўламли фойдаланиш қўқарув ишлари самарадорлигини янада оширади.



Зилзилабардошлиқни таъминлашда ҳудудлар мелиорацияси ва яшил макон барпо қилиш масалалари

Республикамиз иқтисодий ривожланиш суви ҳўжалиги соҳасини илмий асослаш бош ва муҳим йўналишлардан. Шу сабабли ирригация ва мелиорация йўналишларидаги илмий ишлар натижаси соҳа янада ривожланишига ҳисса қўшади. Бугунги кунда юртимизда 50 фоиздан ортиқ ер шўрланган, 60 фоизнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган ва 80 фоиз сув иншоотлари эскирган. Шу боис, таъриба ўқиткиларида (ҳар бир ҳудудда) комплекс ҳолда намлик ва туз ҳаракатининг азрания қатламидидаги ўзгаришлари, эскирган иншоотларни қайта тиклаш каби стратегик тадқиқотлар қилиниши керак.

Халқаро тадқиқот институти сугориш зонасидаги ерининг шўрланиши критик



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

30 фоиздан ошмаслигини тавсия қилган. Мамлакатимизнинг тупроқ иқлим шароитида сизот сув кўтарилиши сабаблари, шунингдек, иккиламчи шўрланиш ва бошқа антропоген омилларнинг зах босиш жараёнига таъсири шаклланишига катта эътибор қаратилган. Заҳарлини ва шўрланишининг олдини олиш бўйича кўплаб минтақавий тадқиқот ва излаш ишлари олиб борилган. Ушбу йўналишда шахар инфратузилмасини эътиборга олган ҳолда зах босган жойларни харита бўйича аниқлаш ишлари катта маблағ ва вақт талаб қилади. Илмий асосланган маълумотлар келтирилишича, зах ерларда тупроқ грунт намлиги ошгани сабабли бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиғи кескин камайди.

Зах ва шўр ерларда намлик ва туз ҳаракати бино-иншоотлар муҳаббатлигига таъсир ўтказишини ҳисобга олиб, қарийб 70 фоиз эскирган сув иншоотларини қайта тиклаш каби стратегик тадқиқотларни амалга ошириш лозим.



Ҳозирги вақтда юртимизнинг турли ҳудудларида, жумладан, Сирдарё вилоятининг айрим туманларида сизот сув сатҳи кўтарилиши, Фарғона вилоятининг айрим қишлоқларида ботқоқланиш ҳолатлари юз бераётгани бунга мисол бўла олади. Сугориладиган минтақаларда экин майдонлари ва аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги ерларни зах босиб,

ча технологик усулларни ишлаб чиқиш юзасидан муайян натижаларга эришилмоқда. Ривожланган мамлакатларда тўғон ва сув омборлари маълумотлари, гидрологик ахборот, дала назорати, зилзилаларни кузатиш, хавфсизлиқни баҳолаш тизимларидан иборат тўғонлар хавфсизлигини бошқариш механизми ишлаб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳижатдан илмий тадқиқотлар олдида қўйиладиган асосий мақсад шахарлар ва аҳоли пунктларида захланган ҳудудлар мелиорацияси, яшил маконлар барпо қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган услублар, моделлаштириш ва қурилиш технологияларини такомиллаштириш, захланшининг олдини олувчи сув ҳўжалиги тадбирларини амалга ошириш, янги дренаж конструкцияларини яратиш ва қўллашдан иборат.

Мамлакатимизда аҳоли пунктларини қўламлилаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш ишлари давлат

сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. "Яшил макон" умумий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида келгуси беш йилликка 0,8-1 миллиард туп дарахт кўчати экиш мақсад қилинган. Ҳозирги босқичда шахар ҳудудларининг ландшафт чегараларини ичида агроландшафт тупроқ ва грунтлар хусусиятини янада тўлиқ акс эттирадиган рақамли моделлар яратиш орқали ушбу масалалар ечимини ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Табиий иқлим шароити ўзгариши билан грунт сувлари ва тупроқ намлиги камайиши қонунчилигини аниқлаш, техноген омилларни ҳисобга олиш, шахар ва қишлоқ шароитида мўътадил "яшил" ҳудудлар тизимини барпо этиш муҳим вазифалардан. Бундай ҳудудларни танлашда ерининг мелиоратив ва гидрогеологик шароитини ўрганиш, биологик хилма-хилликни ривожлантириш, уларга мос агроландшафт ва агротехнологияларни ишлаб чиқиш, дренажлардан чиқариб юборилаётган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергиятежамкор зах қочириб усулларини қўллаш шулар жумласидандир. Бу борада Ўзбекистон 2030 йилга қадар Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича глобал платформа фаолиятини янада қучайтириш тарафдори эканини билдирди.

Фавулодда ҳолатлар бўлиши сабабларини чуқур ўрганиш ва офат оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Президентимиз Қўшилмаслиқ ҳаракатининг махсус мониторинги асосида илмий тадқиқот тармоғини ташкил этишни тақдир қилди ва ҳозирги вақтда амалий ишлар бошланди.

Умуман, амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, келгусида табиий ҳодиса ҳисобланган кучли зилзиланинг олдини олиш имконияти йўқлиги боис, юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини кучли зилзила билан боғлиқ фавулодда вазиятлардан муҳофазадашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида мавжуд сейсмик хавф-хатарни олдидан баҳолаш ва шу асосда талафотларни камайтириш чора-тадбирларини режалаштириш ҳамда амалга ошириш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.



ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЛОҚАЙДЛИК келажак тамалини бузиш билан баробар



Элдор ШЕРМАТОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори в.б, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кун кеча ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ёшларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни чуқур таҳлиллар асосида тушунтириб берди.

Сўнгги йилларда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари мунтазамлик тусини олганига қарамай, уларнинг айримларида маънавий қашшоқлашув кузатишмоқда. Бу эса инсоннинг ўз халқи, Ватанига дахлдорлик ҳисси заифлашувига олиб келмоқда. Инсонларда дахлдорликнинг усуйиши мафкуравий имунитетнинг пасайиши билан ўзаро боғлиқ бўлади, натижада у секин-аста маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружларга қарши ўзида куч топа олмай, заифлашиб боради. Бу эса, албатта, шу соҳада йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни ўз вақтида таҳлил қилишга ундайди.

Шахсининг ҳар қандай масала ўзи учун муҳим эканини англаши ва шунга мос иш тутиши ундаги дахлдорлик туйғусининг қай даражада шаклланиганини билдирди. Жамият тараққиётига нисбатан дахлдорликни тушуниб етган инсон ана шу жамиятнинг фаровон қилишига интилиб яшайди. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларига ортиқча эрк бериши маънавиятнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Шу маънода, фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида ҳуқуқ ва эркинликларни ошиши инсонийлик меъёридан оғиш ҳолатларига олиб келмоқда. Буни жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида аққол намоеён бўлаётган оила институтининг глобал инкирозидида кўришимиз мумкин.

Бунда "оилага дахлдорлик" "оилага лоқайдлик", "оилага бефарқлик" қа айлангач, уларнинг ахлоқи никоҳиш турмушини, оиладаги ажралишларни, ота-оналарнинг биридан иборат оилапарани, бир жинсли никоҳини нормал ҳолат деб қабул қилмоқда.

Шундай глобал инкирознинг юртимизга ҳам кириб келиши таҳдиди мавжуд ва буни ўз вақтида англаб олиш ўта муҳим. Йиғилишда айнан шундай хавф-хатарларга қарши қатъий курашиш йўллари кўрсатиб берилди. Дарҳақиқат, ёшларнинг ўз ҳаётига дахлдор нарсаларга лоқайд қараш эрта-кеч уларни ҳалоқат ёқасига олиб келади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонунга риоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш ҳамда тартиб-интизом ўрнатиш муҳим роль ўйнайди. Чунки қайсики шахсда лоқайдлик ёки бепарварлик кайфияти кучли бўлса, унинг қонунга риоя қилишини таъминлаш шунчалик мураккаб бўлади. Ёшларимиздаги лоқайдлик ва бефарқликни бартараф этиб, ўрнига дахлдорлик туйғусини шакллантириш улардаги маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ масалалар. Сабаби маънавияти юксак ёшнинг иродаси ҳам кучли бўлади.

У адолатсизликка бефарқ қараб тура олмайди. Маънавий қашшоқ одам лоқайд бўлиб, ўз маънавиятини, маънавий фазилатларини юксалтиришга ҳаракат қилмайди. Шу боис, ўзидаги бефарқликдан ҳалос бўлиб яшаш учун ҳар бир ёш йиғит-қизни маънавий юксалтириш лозим.

Маънавий тарбия худди об-ҳаво каби бир миллатга, мамлакатга эмас, бутун инсониятга дахлдор масаладир. Чунки маънавиятнинг тубанлашиб, саёзлашиб кетиши чегара билмайдиган муаммоларни, инсониятнинг қирилиши, фалокат ёқасига бориб қолиши хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Юртимизда бугун асосий эътиборни ёшлар уртасидаги бефарқлик кайфиятини йўқотишга қаратиш зарур. Чунки фуқаролик жамиятининг моҳияти фуқаролар уртасидаги жиқлик, бирдамликдан, яъни бир фуқаро иккинчи бир фуқаро ва унинг тақдирига бефарқ бўлмаглигидан иборатдир.

Шундай экан, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада фаолият юритаётган ҳар бир фаол фуқаронинг асосий вазифа ва бурчларидан бири одамлардаги бефарқлик кайфиятини йўқотиб, дахлдорлик туйғусини ривож топтиришдан иборат. Бунинг учун эса лоқайдлик ҳодисасини ва лоқайдликни келтириб чиқарадиган ҳолат ва сабабларни аниқлаш керак бўлади.

Хўш, лоқайдликнинг сабаби нимада? Лоқайдликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири маъсулиятсизлик иллатининг кўп ўрчashi ҳисобланади. Яъни дангас одам ниманидир бажариш учун ўзида маъсулият ҳис қилмайди. Буни мен эмас, бошқа одам бажариши керак ёки умуман, бажармасам ҳам бўлаверади, деб ўйлайди. Натижада айнан уша иш бажарилмай қолиб, уни бажармаган шахдан кўра жамиятга кўпроқ зарар етди.

Лоқайдлик собиқ иттифок даврида авж олди. Чунки ўша замонларда жамият ҳаётида бирор муаммо пайдо бўлса, "уни марказ ҳал қилиши керак", деган тушунча одамларга сингдириб юборилган эди. Аслида эса империя даврида бизни "иккинчи даражали одамлар" деб ҳисоблашар ва ўзимизнинг муаммоларимизни ҳал қилишга ҳаққимиз йўқ эди. Шу тариқа ҳалқимиз дахлдорлигининг доираси сунъий равишда тораيتириб қўйилган.

Лоқайдлик сабабларидан яна бири эгоизм — худбинлик, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиш иллати саналади. Яъни қачони одам эгоизмини жилволаб, ўз манфаати билан жамият манфаатини ўйғун қўйса, бефарқликдан ҳалос бўлиб яшай бошлайди. Фақат ўз манфаатини ўйлаб яшайдиган худбин одам адолат билан розолат ўртасидаги курашда бефарқ бўлиб қолаверади.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам оғоҳлик ва ҳушёрлик ҳақида ёзар экан, ҳар бир инсон жаҳолатдан йироқ бўлиши лозимлигини, бунинг учун эса одам гафлат уйқусидан уйғониши кераклигини таъкидлайди. Мутафаккирининг "Муножот" асарига қўйидаги сатрлар бор:

"Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидамен, ҳушёр қил. Илоҳи, ул бедорлиғни оғоҳликка етқур ва бу ҳушёрлиғни бештибихликка уландур".

Яъни гафлат уйқусидан бедорлик ва жаҳолат мастлиғидан ҳушёрлик оғоҳликка етказиши ва бу ҳушёрлик ишончга уланди, дейди.

Агар инсон бефарқлиги оқибатида ўзига ва бошқаларга, ҳатто бутун бошли жамиятга зарар етишини, тараққиёт, ривожланишнинг илдизига болта уришини англаб етса, ҳеч қачон бу иллатга бўйин эгмайди.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Будапештда туркий тил мушоираси

Мана энди мени ҳар кун кўкжияк Хон қилиб кутарар қорайганда қош. Ботаётган пайти қирмиз матодан Зардўзи тўн ёлар зенимга қўёш.

Гўзал ва мафтункор ўлкада ўзини хон каби тасаввур қилиш, бу диёрнинг хони, хоқони, эгаси менман дейиш нақадар сурурли. Халқи озодлиги, Ватани мустақиллигини қуйлаб ўтган шoirнинг бундай шеърлари ҳар қандай одам юрагида Ватанга, эл-юртга муҳаббат руҳини уйғотади. Шеър тимсолларининг нозик ва латофатли эканини айтмайси, туйғунинг тиниқлиги тасаввурни кенгайтириб, руҳни юксакларга кўтариб юборади.

Даштда сайр этаман, пода қайтади. Булутларга етар кўтарилган чанг. Сигирлар бўйида мис кўнгироқлар Созланмаган чолғу каби чалар занг.

Айни дамда Шандор Петёфи тасвирлаган юртни, далалар, қишлоқларни ўз кўзим билан кўриб, унинг сатрларини хаёлимда такрорлар эканман, машина деразасидан боқиб, Лакителекда кечки пайт сигирлар подадан қайтаётганини кўргандек бўламан. Узимнинг болалигим, туғилган қишлоғим, поданинг чанг-тўзон кўтариб, сигирларнинг уйга қайтаётгани эсимга тушади: "Пода келар бош-бош, Оёғида тилла тош. Тилла тошни олайлик, Сандиқчага солайлик..." Шеърят нақадар сеҳрли куч, нақадар афсунгар кўдрат. Шандор Петёфининг ҳароратли сатрлари юракка чўғ солади, ҳис-ҳаяжонни ял-ял ёндиради.

Кенеликка боқаман дилда ҳаяжон, Кўнгироқлар қуйин тиналайман ҳайрон. Қаёққа қарама, фақат чексиз чўл, Фақат чўл, фақат чўл ва номий осмон.

Чамаси юз километрлар масофани босиб ўтиб, Лакителек деган шаҳарчага етиб келдик. Атрофи қўрғон қилиб ўралган чиройли ҳудудга, шаҳар ичра шаҳарчага кирдик...

Будапешт шаҳрида Венгрия парламенти биносида давра суҳбати ва қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Биз, туркий тилли давлатлар шoirлари Шандор Петёфининг она тилимига таржима қилинган "Муҳаббат ва озодлик" шеърини ўқидик, Мажористон телевидениесига интервью бердик. Дунай дарёсини Мажористоннинг белгига ўралган олтин камар десак, Будапешт шаҳри уша камарнинг гавҳар тоши тўқаси экан. Парламент биноси эса Будапешт шаҳрига олтин узукка қўйилган олмос кўздек килиб турибди.

Бу тарихий бинони олисдан кўрибқо ҳаяжонландик. Нақадар гўзал, мафтункор ва улғувор. Бино урта асрлар меъморлигининг неоготика услубида қурилган муҳташам санъат асаридир.

У ерда бизни Мажористон оммавий ахборот воситалари ходимлари, газета-журналлар муҳбирлари, теле ва радиожурналистлар кутиб турар эди. Турда қўйилган стулларда алифбо тартибда қатор ўтирдик: Рамил Аҳмед (Озарбайжон, бу давлат номини мижорлар "о" билан эмас, "а" билан ёзади), Даврон Бирикжаз ули (Қозоғистон, мижорлар "қ"ни "к" дейди), Тўлиқбек Байзоқ (Қирғизистон), Дурсун Аян (Туркия), Ақмурад Ражабов (Туркменистон) ва мен — Ўзбекистон шoirи қатор бўлиб ўтирдик. Олдидан хонтахтамонанд паст столга Шандор Петёфининг ўзбек, қирғиз, турк ва қозоқ тилла-



ва озодлик" шеърини ўқигандан сўнг шoir бошқача, уйноқи оҳангларда ҳам шеърлар ёзганини, улар ўзбек тилида қандай жаранглашини айтиб, "Бешинчи август" шеърини оҳангини келтириб ўқидим:

Ажаб бўлди, ажаб бўлди! Узук тақдим, узук тақдим, Севар ёрим, дудогинга Бодом чақдим, бодом чақдим...

Шандор Петёфи шеърларида таърифланган туйғу, ҳис-ҳаяжон ва сезилар юрагимизда ҳамоҳанг жўш урагагини таъкидлаб, сўзимни тўрт қатор шеърим билан яқунладим:

Йўловчи сув излаб булоқни топар, Зулматда нур излаб чирокни топар. Камондан чиққан ўқ топар нишонни, Юракдан чиққан сўз юракни топар.

Сўзимни рус тилига таржима қилдим, бир мижор йигит уни ўз она тилига ўғриб айтиб турди, шеъримнинг маъносини айтганимда эса у таржима қилмай қолди. Баримир анжуман иштирокчилари ва матбуот ходимлари нима деганимни ҳис этди. Сабаби эртаси кун Мажористон телевидениеси орқали берилган махсус кўрсатув айнан мен ўқиган соф ўзбекча шеърлар билан бошланди, телебошловчи эса орқа фонда уларни мижор тилида шарҳлаб берди, учрашув жараёни атрофлича намойиш этилди. Эфирда Шандор Лежак ва туркиязык Дурсун Аянинг сўзини беришди. Демак, Шандор Петёфи ва ўзимнинг шеъримни ўқиганим оҳанги Мажористон ОАВ ходимларига ёқибди.

Шу кунги кечга яқин Шандор Петёфи номидаги адабиёт музейини зиёрат қилдик. Музей директори доктор Терёк Петра хоним бизга музей залларини кўрсатди. Биринчи қаватда Шандор Петёфининг "Миллий кўшиқ" инқилобий шеърини кўп нусхада босилган ва варақа қилиб тарқатилган нашриёт дастгоҳини кўрганимизда беихтиёр Мажористондаги 1848 йил 15 март воқеаларини эсладик.

Кўзгал, мижор! Ватан интизор! Ҳақ ўйл танла, сенда қўдрат бор! Ёки қул бўларсан умрбод, Ё оламда яшайсан озод.




рида нашр этилган китоблари қўйилган. Дастлаб Шандор Лежак барчамизни бирма-бир таништирди, ҳар биримизнинг юртимиз ҳақида қисқача маълумот берди. Ушбу анжуманнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида гапирди. Сўнгра ҳар биримиз Шандор Петёфининг "Муҳаббат ва озодлик" шеърини она тилимида ўқидик. Телевидениега бир-икки дақиқали интервью бердик. Навбат менга келганда Шандор Петёфининг "Муҳаббат

Онт ичамиз, Хунэрлар — Бир тану бир жон, Қул бўлмаймиз асло Ҳеч замон, ҳеч он! Шу босма дастгоҳда чоп этилган "Миллий кўшиқ"нинг кўлэзма нусхасини ҳада ятишди. Чиройли дастхатдан шoirнинг давъаткор овози эшитилгандек юракларимиз тўлқинланди...

Шу кун Шандор Петёфи ўз ҳамфикр дўстлари билан доимий равишда учрашиб, адабий суҳбатлар қурган, шеърлар ўқиган "Гилвакс" кафесини кўришга улгурмадик. Лекин саёҳат давомида Пешт ва Буда шаҳарларидаги кафе ва рестороанларга кирдик. Мажористон руҳини ҳис этдик...

Тунги билан ёмғир ёғди. Эрталаб тарихий Кишкунфелдхаз шаҳрига йўл олдик. Ун тўққизинчи асрда Фелдхаз деа аталган ушбу шаҳарда Шандор Петёфи ўсиб улғайган. "Айнан мана шу ерда Петровичларнинг тўнғич боласи атак-чекач қилиб қадам бостан, шу ерда тили чиққан... Боланинг шахс бўлиб шаклланишида асосий омил киндик қони тўкилган тупроқда эмас, ҳатто қонда ҳам эмас, асосий омил руҳдир. Унинг руҳи Фелдхазда туғилди, айнан мижор бўлиб туғилди", деб ёзади Шандор Петёфининг болалиги ҳақида Дьюла Йеш. Биз ана шу шаҳарга бордик.

Кишкунфелдхаз шаҳрининг маъмурий биноси ҳудудидаги Ференц Мор номидаги маданият марказида Мажористоннинг миллий озодлик кун байрами ҳақида буюк мижор шoirи Шандор Петёфининг "Муҳаббат ва озодлик" шеър тар-



жимаси бўйича эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кишкунфелдхаз шаҳри мэри Йозеф Чанви, Венгрия парламенти спикери ўринбосари Шандор Лежак, ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев ғолибларга муқофотларни топширди.

Тадбирда ушбу халқаро танловни ташкил этишда ҳамкорлик қилган Мажористон Бош вазири девонхонаси, Ташки ишлар ва савдо вазирлиги, ТУРКСОЙ ташкилоти, Кишкунфелдхаз ҳокимлиги, Мажористон Ёзувчилар уюшмаси, Мажористон санъат академияси, Миллий маданият институти, Петёфи номидаги адабиёт музейи ва Лев Толстой номидаги жамият вакиллари иштирок этди.

Ратуша деб аталувчи меъморий обиданинг ёнига буюк шoir Шандор Петёфининг жанговар сиймоси — кўлда қилич билан гавдалантирилган ҳайкали қад ростлагани. Тадбир якунида шoir ҳайкалига гуллар қўйилди...

Туркий давлатлар ташкилотининг Будапештдаги қароргоҳида мижор халқ озодлиги куйчиси Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган анжуманга йилгидик.

Европа табиатида кечки пайт ҳаво бир оз совуқ бўлгани учун кўрткамни энгимга ташлаб бораётган эдим, қароргоҳ дарвозасидан киришим билан "Ассалому алайкум, Рустам ака!" деган соф ўзбекча сўзни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Ёнимга келган ўзбек йигити билан кўришдим. У барча тадбирларни интернетдан кўриб кузатиб бораётган экан. Янош Ҳовари идорасида Ўзбекистондан вакил бўлиб ишларкан. Узини Валижон Ҳошимов деб таништирган дипломат йигит Пискентда туғилиб ўсган экан. Валижон ичкарига тақлиф қилди.

Шoirлар, элчилар, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ўзаро суҳбатлашдик, фикр алмашдик, мушоира қилдик.

Тадбирни Туркий тилли давлатлар ташкилотининг Венгриядаги қароргоҳи раҳбари Янош Ҳовари бошқарди. Кириш сўзида Шандор Петёфи асарлари таржимаси бўйича ташкил этилган халқаро танловнинг қон-қардош халқлар адабий, маданий алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакат Бош вазирининг туркий тилли давлатлар адибларининг ўзаро ижодий ҳамкорлигини ҳаммиша қўллаб-қувватлашга тайёр экани ҳақидаги фикрини анжуман аҳлига етказди.

Венгрия Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Кинга Эрёш ҳамда туркунош олимлар, таржимонлар сўзга чиқиб, халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир доирасида "Мижор масаллари" китобининг турк тилидаги нашри тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Биз, шoirлар навбатма-навбат минбарга чиқиб, Шандор Петёфининг "Муҳаббат ва озодлик" шеърини ўз таржимамизда ўқидик. Мен йилганлардан Шандор Петёфининг ушбу шеърдан бошқа яна битта шеърини ўқишга руҳсат сурадим. Буюк шoirнинг Ватанида "Жанговар кўшиқ" деб аталган шеърининг ўзбекча жарангини мижор халқига етказгим келди.

Увиллар карнай, Гувиллар довул! Ярқирар қилчи, Ботир бул, аскар, Ёв қонини ич! Ур-хооо, мижор! Ур-хооо! Улб учар ўқ, Ярқирар қилчи, Ботир бул, аскар, Ёв қонини ич! Ур-хооо, мижор! Ур-хооо! ...Ким қолар омон? Жане борар ёмон! Бирок ўлмайди Ватан онажон! Ур-хооо, мижор! Ур-хооо, навкар, Ур-хооо!

Шеър тугаши билан Янош Ҳовари ёнимга келиб кучоқлаб олди. Шеър оҳангида: "Ур-хооо, ўзбек! Ур-хооо!" деб миннатдорлигини изҳор этди.

Тўғриси, рус тилида "вперёд" деб берилган сўзни оддийгина "олга" деб таржима қилгим келмаганди. Амир Темур навкарларининг жанговар наърасини фодолашгани истогандим. Бу сўзининг руҳи хорижийларга ҳам кучли таъсир қилди. Тадбирнинг тантанали қисми тугагандан сўнг мижор радиоси муҳбири ёнимга келиб, "Жанговар кўшиқ" шеърини радио учун қайта ўқиб беришимни суради.

Оқшом файзли ўтди. Янош Ҳовари дастурхон ёзиб, бизни меҳмон қилди.

Тадбир тугагач, машинада Будапештдан Лакителекка қайдик. Бизга ҳамроҳлик қилиб юрган Жудит хоним хайрлашаётганда йилгаб юборди. Бу меҳрибон аёлнинг иссиқ туйғуларидан қаттиқ таъсирландик...

Будапешт шаҳрини томоша қилар эканман, шунча улғу ва муҳташам меъморий обидалар ва ҳайкаллари кўрган Мажористон ниҳоятда бой мамлакат, мижор халқи эса истеъдодли ва бунёдкор халқ экан, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Машҳур адиб Дюла Йешининг китобини варақлаб, уша буюк қурилишлар даври ҳақидаги бундай маълумотларни ўқидим: "Венгрия 1802 йилда 125 минг, 1825 йилда 170 минг, 1844 йилда эса 261 минг центнер жун экспорт қилади. 1840 йилда мамлакат 2 327 469 центнер галла, беш йилдан сўнг, 1845 йилда икки баробар кўп — 4 497 557 центнер галла етштиради".

Бу мамлакат ҳақиқатан бой бўлган. У ҳозир ҳам бой!

Нафақат иқтисодий, меъморлик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва мусиқа бўйича бой, балки бадий адабиёт бўйича ҳам буюк обидаларни, буюк шoirларни яратган халқдир бу халқ.

Самолётда Истанбулга, ундан Тошкентга қайтаётган юрагимда ўз туғишгани билан хайрлашаётгандаги соғинч туйғуси уйғонди, лабларим секин пичиради: "Хуш қол, Мажористон, биз яна учрашамиз!"

Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шoirи

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва Туркий маданият ташкилоти бош котиби Султон Раев Шандор Петёфининг "Озодлик" номи ўзбекча китобига сўзбоши мақола ёзди.

"Ёшлигидан катта истеъдод эгаси бўлган Шандор Петёфи ўз замонасидаёқ ниҳоятда тез шуҳрат қозонган, — дейди "Петраркага қариндош Петёфи" мақоласида Сирожиддин Саййид. — У 1843 йили 20 ёшида ёзган "Орзу" шеърини ижодда Франческо Петрарка шуҳратига ҳавас қилиб, илҳом париси тилидан бундай сатрларни битади:

Шуҳрат истайсанми? Қўшигинг учун Бир ўрмон дафиндан этарман ҳиммат. Бирок Петрарканин машхур гултожи Жингалак сочиндан эмасдир қиммат.

Петрарка Петёфи билан қариндош, Петрарка уним дер, Петёфи оғам — Ўзлари келишиб олар, икковлон Дафна гултожини кўришар баҳам.

Дафна гултожи қадим даврда шон-шуҳрат ва галаба тимсоли саналган. Европа Уйғониш даврининг буюк намояндаси Петрарка ўз даврида бетимсол сонетлари учун дафна гултожи билан тақдирланган.

Петёфининг юрагидаги жўшқин орзулар изҳори бежиз эмас эди. Ёшлик завқи-сурури ила шеърий илҳомга тўла навқирон шoir истеъдодини Европа адабиётининг улғу алломалари Ҳайнрих Ҳайне, Ян Неруда билан бирга Осие адабиётининг йирик намояндаси Лу Син каби адиблар бекорга юксак эътироф этмаган".

Шу китобни олиб, Венгрияга, Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро тадбирга учдим.

Туркчада "қопи", яъни самолётга чиқиш элиги ёнидаги кутиш залида ёнимга бир ёш йигит келди. "Сиз Шандор Петёфи танловига боряпсизми?" деди озар лаҳжасида. Ҳа, дедим. Узини Рамил Аҳмед деб таништирди. Кўп ўтмай, узун бўйли, елкасига тушган сочлари оқарган киши сўхбатимизга қўшилди. У Туркиядан келётган танлов ғолиби Дурсун Аян экан. Орадан сал ўтиб, паст бўйли, миқти гавдали, қисқ кўзли қирғиз йигити Тўлиқбек Байзоқ ва туркменистонлик Ақмурад Ражабов билан ҳам топшиб олдик. Яна бир ҳамроҳимиз — инглиз тилини яхши биладиган қозоғистонлик шoir Даврон Бирикжаз ули билан эса Будапешт аэропортига тушганимизда учрашдик...

Уйлайман, Шандор Петёфи севиб куйлаган юрт далалари кўз ўнгимда ястаниб ётибди. Хаёлимдан шoirнинг сеҳрли сатрлари ўтади:

Чексиз чўл! Тўсиқсиз, бир қораси йўқ, Теп-текис кенеликлар очкидир фақат. Юракнинг ҳам чеки-чегараси йўқ, Қаёққа қарама, фақат муҳаббат.

Шу дамда ўз шoirини севиб ардоқлаган юртга нисбатан юрагимда ҳам муҳаббат жўшмоқда эди.

Хали кун ботмаган, лекин куёш тобора уфққа ёнбошлаб бораётир. Шандор Петёфининг "Қишлоқда" шеърини ёдимга тушади.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
11117 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй
ЎЗА яқини — 01-35 Топширилди — 02-05